

142 – الْعِشْرُونَ: عَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَرَادَ بَنُو سَلِمَةَ أَنْ يَتَّقِلُوا قُرْبَ الْمَسْجِدِ، فَبَلَغَ ذَلِكَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ لَهُمْ: «إِنَّهُ بَلَغَنِي أَنَّكُمْ تُرِيدُونَ أَنْ تَتَّقِلُوا قُرْبَ الْمَسْجِدِ؟» فَقَالُوا: نَعَمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَدْ أَرَدْنَا ذَلِكَ، فَقَالَ: «بَنِي سَلِمَةَ؛ دِيَاكُمْ تُكْتَبُ آثَاكُمْ، دِيَاكُمْ تُكْتَبُ آثَاكُمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [665].

وَفِي رِوَايَةٍ: «إِنَّ بِكُلِّ خَطْوَةٍ دَرَجَةٌ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [م 664].

وَرَوَاهُ الْبُخَارِيُّ أَيْضاً بِمَعْنَاهُ مِنْ رِوَايَةِ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ. [656].

وَ«بَنُو سَلِمَةَ» بِكَسْرِ اللَّامِ: قَبِيلَةٌ مَعْرُوفَةٌ مِنَ الْأَنْصَارِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ، وَ«آثَاؤُهُمْ»: خُطَاهُمْ.

142. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Бану Саламаликлар масжид яқинига кўчиб ўтмоқчи бўлишди. Бу гап Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб келган эди, уларга: **«Менга етиб келишича, сизлар масжид яқинига кўчиб ўтмоқчи эмишсиз?»** дедилар. Улар: «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули, шундай қилмоқчимиз», дейишди. Шунда у зот: **«Эй Бану Салама! Ўз жойларингизда яшайверинглар изларингиз (учун савоб) ёзилади. Ўз жойларингизда яшайверинглар изларингиз ёзилади»**, дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Имом Муслимнинг бошқа ривоятида: «**Ҳар бир қадам учун даража бордир**», дейилган.

Имом Бухорий ҳам шу маънодаги ҳадисни Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда масжиддан узоқ уйни масжиддан узоқ, деб сотиш яхши эмаслиги ҳақида сўз кетмоқда. Чунки, бу иш сабабидан масжидга кўп қадам босиб келиб, топадиган савобдан маҳрум бўлинади. Чунки, мусулмон инсон жамоат намозига бориб келгунча изи доимо ёзилиб турилади.

Ҳар бир қавм Жобир розияллоҳу анҳунинг қавмлари Бани Салама қабиласига ўхшаб масжиддан узоқ ҳовлиларини сотмаганларидан хурсанд бўлиб юришлари керак.

Масжидлар томон кўп қадам босиб бориш ажр-савобнинг кўпайишига сабаб бўлур. Бу ҳақда қуйидаги ривоят келган.

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одамларнинг намоздан энг катта ажр оладигани юриб келиши узоқ бўлганидир. Имом билан намоз ўқишга интизор бўлганнинг ажри намозни ўқиб бўлиб ухлаганнинг ажридан улўғдир», дедилар».

(Имом Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривояти).

Бу ҳам жамоат намозининг фазлини кўрсатади. Киши жамоат намозига қанча узоқдан келса, шунча кўп савоб олади. Имом билан жамоат намозини ўқишни кутиб ўтирса ҳам савоб олади. Шунинг учун ҳам доимо жамоат билан намоз ўқишга ҳаракат қилишимиз керак.

Манба: hadis.islom.uz



